


Касб байрамингиз муборак бўлсин, азиз саломатлик посбонлари!

Insonga naf keltirish — oliy baxt



Ishonch

Санъатлар
ичида энг
олижаноби
тиббиётдир.
БУҚРОТ

2008-yil
8-noyabr, shanba
№137 (2550)

O'zbekiston kasaba uqushmalari Federatsiyasi gazetasi

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

ЎЗБЕКИСТОН-БОЛГАРИЯ:

Ҳамкорликнинг янги имкониятлари

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг таклифига биноан Болгария Республикаси Президенти Георги Парванов 5 ноябр куни давлат ташири билан мамлакатимизга келди.

Ўзбекистон ташқи сиёсатида Болгария билан муносабатлар алоҳида ўрин тутади. Мамлакатларимиз бир-бирини ишончли шерик деб билади. Шу боис халқаро майдонда Ўзбекистон Болгарияни, Болгария Ўзбекистонни қўллаб-қувватлаб келади. Хусусан, Ўзбекистон БМТ Хавфсизлик кенгашининг ноҳодимий аъзоллиги, БМТнинг Иқтисодий ва ижтимоий кенгаши аъзоллиги, Жаҳон сайёҳлик ташкилотининг Ижроия кенгашига, ЕХТТ раислигига Болгариянинг номзодини ёқлаган. Болгария эса БМТда Марказий Осиёни ядро қуролидан холи ҳудуд деб эълон қилишга доир резолюция муҳокамасида Ўзбекистон нуктаи назарини қўллаб-қувватлаган.

Мамлакатларимизнинг минтақавий ва халқаро муаммоларга қарашли ўхшаш ва яқиндир. Хусусан, хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш борасида Ўзбекистон ва Болгария раҳбарлари ҳамфикр.

Мамлакатимиз раҳбарининг 2003 йили Болгарияга давлат ташири асосида Георги Парванов ўз давлатини Ўзбекистон учун «Улкан Европа бозорига очилган кичик эшик» деб атаган эди. Ислам Каримов Ўзбекистон Болгария учун Марказий Осиёга дарвоза вазифини бажаришга тайёрлигини таъкидлаган.

Шу маънода Георги Парвановнинг мамлакатимизга давлат таширини мунтазамлик касб этган олий даражадаги мулоқотларнинг мантқий давоми, ўзаро муносабатларни янги поғонага кўтариш йўлидаги яна бир амалий қадам, деб аташ мумкин.

6 ноябр куни Дўрмон қароргоҳида Болгария Республикаси Президентини расмий кутуб олаш маросими бўлди. Олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортиди. Икки давлат мадҳиялари янгради. Ислам Каримов ва Георги Парванов фахрий қоровул сафи олдида ўтди.

Ўзбекистон ва Болгария Президентларининг яқма-яқка суҳбати бўлиб ўтди. Ислам Каримов ва Георги Парванов Ўзбекистон-Болгария муносабатларининг бугунги аҳволи ва истиқбол, ўзаро иқтисодий минтақавий ва халқаро муаммолар юзасидан фикр алмашди.

Суҳбат чоғида Ислам Каримов ушбу олий даражадаги учрашув ҳамкорлик қўламини янада кенгайтириш масалаларини атрофлича таҳлил қилиш ва муҳокама этиш учун янги имконият эканини таъкидлади. Болгария Президентининг Тошкент билан ҳамкорликни ривожлантиришга улкан иштиёқи ва самийий истак-хошининг амалий далили эканини кайд этди.

Георги Парванов Ўзбекистонга таклиф этгани учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдириб, Болгарияда ушбу таширига алоҳида ҳозирлик қўрилганини, эро, Ўзбекистон билан муносабатлар муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади.

Президентлар ушбу олий даражадаги учрашув икки мамлакатнинг ўзаро ҳамкорлик истиқболига қатъий ишончини кўрсатишини қайд этдилар. Ҳамкорликнинг шу кунгача орттирилган бой тажрибаси ва иқтисодий имкониятлар барча соҳаларда икки томонлама шериклик алоқалари қўламини кенгайтириш учун пухта замин бўлиши таъкидланди.

Ўзбекистон ва Болгария раҳбарлари Афғонистондаги вазиятга алоҳида тўхталиб ўтдилар. Ислам Каримов бу муаммога Ўзбекистоннинг ёндашуви ҳақида сузлаб, Афғонистонда тинчлик қарор топиши учун аҳолини қуролсизлантириш, тинч ҳаётга йўналтириш, одамларда бўёндорлик ҳиссини ўйғотиш, ижтимоий ва иқтисодий муаммоларни ҳал этиш, ислохотларни босқичма-босқич олиб бериш ва амалий самаралар беришига эришиш лозимлигини таъкидлади.

1997-2001 йилларда БМТ кўмагида самарали фаолият кўрсатган «6+2» мулоқот гуруҳини ҳозирги воқеликни инобатга олган ҳолда ва музокара жанараёнда НАТО ҳам албатта иштирок этишини назарда тутиб, «6+3» гуруҳига айлантириш зарур.

Георги Парванов Ўзбекистон раҳбарининг бу муаммога оид нуктаи назарини юксак қадрлашини, Ислам Каримовнинг амалий таклифлари муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади.

Ўзбекистон ва Болгария расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокарасида савдо-иқтисодий, илмий-техникавий, маданий-гуманитар ҳамкорликни ривожлантиришга оид долзарб масалалар атрофлича муҳокама қилинди.

Таъкидлаш керакки, мамлакатларимизнинг иқтисодий салоҳияти ўзаро савдо-иқтисодий ҳамкорлик қўламини анча юқори. Икки томоннинг товарлар ва хизматлар рўйхатига назар ташлаганда, бизнес борасидаги алоқалар нисбатан суст эканлиги кўзга ташланади. Масалан, қишлоқ хўжалиги соҳасида Ўзбекистон ва Болгария катта тажрибага эга. Полиэтил маҳсулотлари өтиштириш ва чорва селекцияси соҳасида ўзаро манфаатли ҳамкорлик ўрнатиш мумкин. Бу орқали озиқ-овқат ишлаб чиқариш, мева-сабзавот ва гўшт-сут маҳсулотларини қайта ишлаш соҳасида фаолият юртакдиган

қўшма корхоналар тузишга ҳам янада кенгроқ йўл очилган бўлур эди. Тўқимачилик ва фармацевтика саноати, кўнчилик, пойбзал ишлаб чиқариш — бугунги куннинг долзарб соҳаларидан. Булар сирасига қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, энергетика ҳам қўшиш мумкин.

Ўзбекистон Болгарияга трикотаж полотно, пахта толаси, кимё маҳсулотлари, хизматлар экспорт қилади. Дори-дармон, механик ускуналар, гигиена ва пардоз ашёлари, пластмасса ва ундан асалган буюмлар, мебель импорт қилади. Экспорт-импорт рўйхатидан кўрииб турибдики, айрим соҳаларда бевосита товар айиртузилмасини такомиллаштириш, меҳмонхона бизнесини ривожлантириш, туризм соҳаси учун кадрлар тайёрлаш юзасидан фикр алмашди.

Икки мамлакатнинг минтақалари, шаҳарлари, ишлаб чиқариш субъектлари ўртасида бевосита ҳамкорликни фаоллаштириш масалалари муҳокама қилинди. Гуманитар ҳамкорлик жадал ривожланмоқда. 1998 йилда очилган «Ўзбекистон-Болгария дори-дармон ишлаб чиқариш учун янги асос бўлиши мумкин. Ўзбекистонда Болгария сармоядорлари билан ҳамкорликда тузишган қўшма корхоналар сони ҳозир йигирмага етмади. Ўзбекистон Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигида Болгариянинг атиги беш фирмаси — «Вено Холдинг» (холдинг ва молия), «Зет энд Эм Прайвйт» (кончилик ва қишлоқ хўжалиги техникаси), «Энергия 97» (қўроғош-кислотали аккумуляторлар ва батареялар), «Актавис» (фармацевтика), «Кокет» (трикотаж буюмлар) акредитация қилинган, ҳоло.

Ислам Каримов икки мамлакатда мунтазам равишда миллий кўргазмалар, иқтисодий форумлар ташкил этиш мақсадига мувофиқ эканини таъкидлади. Ишбилармонларни ўзаро яқинлаштириш ва ҳамкорлигини мустаҳкамлашда бевосита мулоқотларнинг аҳамияти катта. Ўзбекистон Президенти Тошкентда Болгария миллий кўргазмасини ташкил қилиш таклифини илгари сурди. Георги Парванов мамлакатимиз раҳбарининг таклифини қўллаб-қувватлаб экан, кўшма бизнесини ривожлантиришда фаол ахборот алмашуви, шерикларнинг имкониятларидан яхши хабардорлик муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади.

Транспорт коммуникациялари — алоҳида мавзу. Худудидан қўллаб транспорт тармоқлари ўтган, Бургас, Варна, Русе шаҳарларида замонавий бандаргоҳларга эга Болгария Ўзбекистон учун Европага ҳақиқий кўприк вазифини ўташи мумкин. Бу мамлакатда юк ташини имкониятлари катта, логистика яхши ривожланган. Барча бандаргоҳлар йирик автомобил ва

темир йўл тармоқларига уланиган. Болгария паромлариға юздан зиёд вагон сизади.

Ўзбекистон Болгария учун Марказий Осиё дарвозаси бўлади. Мамлакатимиз минтақанин барча давлатлари билан чегарасида Осиенинг барча давлатлариға замонавий автомобил йўллари ва темир йўллар тортилган.

Музокарада энергетика ва сайёҳлик соҳаларида ҳамкорлик билан боғлиқ масалаларга алоҳида эътибор қаратилди. Томонлар энергия манбалари конларини разведка қилиш ва ўзлаштириш, сайёҳлик инфратузилмасини такомиллаштириш, меҳмонхона бизнесини ривожлантириш, туризм соҳаси учун кадрлар тайёрлаш юзасидан фикр алмашди.

Икки мамлакатнинг минтақалари, шаҳарлари, ишлаб чиқариш субъектлари ўртасида бевосита ҳамкорликни фаоллаштириш масалалари муҳокама қилинди. Гуманитар ҳамкорлик жадал ривожланмоқда. 1998 йилда очилган «Ўзбекистон-Болгария дўстлик жамияти» ўзбекистонда истикомат қилётган болгарларнинг Маданий маркази билан ҳамкорликда мунтазам равишда маданий тадбирлар ўтказиб келади. Тури кўргазмалар ташкил этилмоқда, кино кунлари ўтказилмоқда.

Олимларимиз физика, электроника, материалшунослик, биология, тиббиёт, экология каби соҳаларда биргаликда изланишлар олиб бормоқдалар. Стратегик тадқиқотлар билан шуғулланувчи муассасалар, олий ўқув юртлари ўртасида алоқалар йўлга қўйилган.

Сайёҳлик соҳасидаги ҳамкорлик ривожланмоқда. «Ўзбектуризм» миллий компанияси, Ўзбекистондаги хусусий сайёҳлик компаниялари Болгариядаги шериклари билан биргаликда сайёҳ жалб этиш, даволаниш ва дам олиш бўйича турлар ташкил қилиш билан шуғулланмоқда. Тошкентда ўтайдиган сайёҳлик ярмаркаларида Болгария фирма ва компаниялари фаол қатнашиб келмоқда.

Музокара якунида Ўзбекистон ва Болгария Президентларининг кўшма баёноти қабул қилинди. Ахборот технологиялари ва телекоммуникациялар, интеллектуал мулк ҳуқуқларини муҳофаза қилиш соҳаларида ҳамкорлик тўғрисидаги ҳужжатлар билимлар, савдо-саноат палаталари ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги битим имзоланди.

Оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда Ислам Каримов ва Георги Парванов музокаралар самарали бўлиши ва дўстона руҳда ўтганини қайд этдилар. Эришилган келишулар ва имзоланган ҳужжатлар икки томонлама муносабатларининг истиқболли пор-

лок эканидан далолат беришини таъкидлади.

Болгария Президентининг Ўзбекистонга ташири икки томонлама муносабатлар ривожига янги суръат бахш этиш учун яхши имкониятдир, — деди Ислам Каримов. — Биз Болгарияни ишончли ҳамкор, деб биламиз. Мамлакатларимиз иқтисодийи барқарор ривожланмоқда. Музокарада минтақавий хавфсизлик масалалари юзасидан мунтазам маслаҳатлашулар ўтказиш ва халқаро ташкилотлар доирасида ҳамжиҳат ҳаракат қилишга келишиб олдик.

Болгария-Ўзбекистон муносабатлари бой аънаваларга эга, — деди Георги Парванов. — Бу муносабатлар дўстлик ва ўзаро ишонч тамойиллариға асосланади. Ўзаро ҳамкорликнинг ҳуқуқий пойдевори мустаҳкам. Бугунги музокаралар ана шу асосни мазмунан бойитиш ва янада такомиллаштириш имконини беради.

Шу кун Болгария Республикаси Президенти Георги Парванов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери Д.Тошмухамедова билан учрашди. Суҳбат чоғида парламентларо ҳамкорликни ривожлантириш масалалари юзасидан фикр алмашилди. Олий мартабали меҳмон Ўзбекистоннинг икки палатали парламенти фаолияти билан танишди.

Болгария Республикаси Президенти Ўзбекистон Республикаси Бош вазир Ш.Мирзиёев ҳамроҳлигида Мустақиллик майдонига ташир бўуриб, хурриятимиз, порлок истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамиз бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументи пойга гул қўйди.

Г.Парванов Теурирлар тарихи давлат музейида ҳам бўлиб, Сохибқирон ва унинг авлодлари ҳаётига оид экспонатларни кўздан кечирди, музейнинг фахрий меҳмонлар китобига дастхат ёзиб қолди.

Болгария Республикаси Президентини Георги Парвановнинг мамлакатимизга давлат ташири давом этмоқда.

Анвар БОБОЕВ,
ЎзА мухбири

Янгиликлар

панорамаси

Навбатдаги «ЭКОСАН-Ўзбекистон темир йўллари» саломатлик поездеи Хоразм вилоятига жўнатилди.

Саломатлик поездеи жўнатилди

Ундаги 80 миллион сўмлик кийим-кечақлар, пойабзаллар, кўрпак-тушақ гилофлари, матрашлар, санитария-гигиена маҳсулотлари ўқув, тиббиёт муассасалари, махсус мактаб-интернатлар ва бошқа ижтимоий объектларга, шунингдек, ёш болаларини ёлғиз тарбиялаётган аёлларга, кам таъминланган оилалар фарзандларига топширилади.

Хусусан, жорий йилда республиканин турли минтақаларига жами 24 та поезд ва автопоездларда 1,1 миллиард сўмлик инсонпарварлик ёрдамлари кўрсатилди.

«Экосан»
матбуот марказидан

Шу кунларда Навоий шаҳри ва ва НКМКнинг 50 йиллик юбилейига тайёргарлик ишлари қизин кетаётир. Бундай эзгу ишлардан бири «Фахрий фуқаро» нишонининг ташкил қилинишидир.

Шаҳарнинг юксак нишони

Мазкур нишон вилоят ҳокимлиги томонидан тақдим қилинади. У шаҳар ҳаётининг турли соҳаларида кўрсатган хизматлари — Ватанин, инсон ҳуқуқ ва эркинлигини ҳимоя қилишда, коммунал хизмат кўрсатишда, санъат, адабиёт, таълим, маданият ва бошқа ишлаб чиқариш тармоқларини ривожлантиришда намуна бўлган фуқароларга берилди.

Мазкур нишонга лойиқ топилган мамлакатимиз ва чет эл фуқаролари халқ депутатлари шаҳар кенгашинин қарори билан тасдиқланган энг кам иш ҳақининг 10 баробари миқдориди бир марталик моддий ёрдам билан рағбатлантирилади. Шунингдек, бундай эътиборга сазовор бўлганлар шаҳар ҳокими, халқ депутатлари шаҳар кенгаши ва бошқа барча маъмурият раҳбарлари қабулига навбатсиз кириш имтиёзига эга бўлади.

Мансур АЛОВУДИНОВ,
«Ishonch» мухбири

Қарши шаҳрининг марказий Ўзбекистон кўчасида замонавий дизайн асосида мукаммал таъмирланган Тўрт қаватли мухташам иморат қад кўтарди.

МТСнинг янги биноси

МТСнинг янги офиси жойлашган бу кўркам бинода абонентлар ва хизмат кўрсатувчи ходимлар учун барча қулайликлар яратилган. Унда муштарийлар учун мўлжалланган катта зал, йиғилишлар, ўқувлар ва матбуот анжуманлари ўтказиладиган конференц-заллари, архив, маъмурият хоналари жой олган.

«Уздуробита» хорижий ишлаб чиқариш корхонасининг Қашқадарё филиали директори Усмон Хушвақтовнинг таъкидлашича, аҳолиға 1995 йилдан бери хизмат кўрсатиб келаётган уяли алоқа тизими вилоятнинг ҳамма туманларини тўлиқ қамраб олган. Кейинги беш йил мобайнида компания абонентлари сони 350 мингга етди.

Иззат ХИҚМАТОВ,
«Ishonch» мухбири

«ISHONCH» — СИЗНИНГ ДЎСТИНГИЗ

Агар мамлакатимизда амалга оширилайтган кенг қўламли бунёдкорлик ишлари, меҳнаткашлар манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги долзарб мақоалалар, машҳурлар ва эл назаридаги юртдошларимиздан эксклюзив интервьюлар, инсон руҳияти инъикоси бўлган асарлар ва бугуннинг нафаси уфуриб турган янгиликлардан энг биринчи бохабар бўлай десангиз...



...«ISHONCH» билан дўстлашинг!

Мабодо уни газета пештахталаридан
топа олмасангиз...

...«ISHONCH»га ОБУНА бўлинг!

Шунда у кунора
эшигингизни ўзи
тақиллатиб боради.

«Ishonch» йил давомида сизнинг энг яқин
ҳамкорингиз ва маслаҳатчингиз бўлиб қолагу!

Болгария Президенти — Самарқандда

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов таклифига биноан мамлакатимизга ташир бўлган Болгария Республикаси Президенти Георги Парванов 7 ноябр куни Ўзбекистон Республикаси Бош вазир Шавкат Мирзиёев ҳамроҳлигида Самарқанд шаҳрига келди.

Болгария Президентини Самарқанднинг тарихий обидалари, диққатга сазовор жойларини томоша қилди. Амир Темур макбараси, Регистон мажмуи ва Улугбек расадхо-

наси билан танишди. Олий мартабали меҳмонга ушбу обидаларнинг яратилиш тарихи, Мовароуннаҳрда қадимий шаҳарсозлик, илм-фан ва хунармандлик ривожига ҳақида маълумот берилди. Г.Парванов Сиёб дехқон бозорида ҳам бўлди. Миллий хунармандлик буюмлари ва санъат асарларини кўздан кечирди.

Болгария раҳбари мустақиллик йилларида Президент Ислам Каримов раҳнамолигида Ўзбекистонда, унинг тарихий шаҳар-


лари, жумладан, Самарқандда амалга оширилган тўқлаш, таъмирлаш ва қуриш, миллий-маданий меросни асраб-авайлаш ва келгуси авлодларга етказиш борасида амалга оширилайтган кенг қўламли ишларга юксак баҳо берди.

Шу кун Самарқанд ва Пловдив шаҳарлари ўртасида шериклик алоқалари ўрнатиш тўғрисидаги ҳужжат имзоланди.

Ғолиб ХАҲОНОВ,
ЎзА мухбири

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши қошидаги Курортлар бошқармаси

Ҳаётини эл саломатлигинидек
эзгу ишга бағишлаган,
инсон дардига малҳам бўлиб
яшаётган шарафли касб
эгалари бўлмиш азиз
тиббиёт ходимларини,
юраги яхшиликка
йўғрилган шифокорларни,
меҳр-муҳаббат тимсоли
бўлган ҳамшираларни, соҳа
фидойиларини касб
байрамлари — **ТИББИЁТ
ХОДИМЛАРИ КУНИ** билан
муборакбод этади.



Кубага кредит берилади

Россия ҳукумати Кубага рус товарларини сотиб олиш ҳамда ташкилотларининг хизматидан фойдаланиш учун 335 млн. доллар миқдорда кредит ажратишини маълум қилди.

Икки мамлакат 2006 йил 29 сентябрдаёқ ҳукуматларaro махсус лойиҳани имзолаган бўлиб, унда Кубага қарз берилиши кўзда тутилган эди. Демак, таъкидлаш жоизки, бу воқеа бутун жаҳонда кузатилаётган молиявий инқироз билан боғлиқ эмас.




Фолкленд ороллари кимга тегишли?

Буюкбритания қиролчаси чоршанба кuni Фолкленд оролларининг янги конституциясини маъқуллади. У 2009 йил 1 январдан кучга қиради.


Конституцияда Фолкленд ороллари бирлашган қиролликнинг денгизорти худуди эканлиги айтилади. Шу муносабат билан Аргентина ташқи ишлар вазири Хорхе Таина уни танқид қилар экан, бу билан Буюкбритания Аргентинанинг суверенитети ва халқаро ҳуқуқ нормаларини бузаётганини таъкидлаган.

Маълумки, ҳар иккала давлат Фолкленд ороллари ўзининг худуди деб ҳисоблайди. Ҳатто 1982 йили аynи шу сабаб билан улар ўртасида ҳарбий тўқнашув юз бериб, 74 кун давом этган урушда Аргентинанинг 649, Буюкбританиянинг 255 фуқароси ҳалок бўлган эди. Урушда Аргентина енгилган бўлса-да, ҳали ҳам даввосидан воз кечгани йўқ.



Танқиддан ҳам тубан мавзу

Калифорния аҳолиси бир жинсли никоҳ таъкидланшини қўллаб-қувватлади. Штатда 4 ноябр кuni Америка президенти сайлови билан бирга ўтказилган референдум натижаси шундай.



95 фоиз бюллетенлар санаб бўлингандан сўнг маълум бўлишича, референдумда қатнашганларнинг 52,1 фоизи инсоният учун иснод бўлган бундай никоҳга қарши овоз берган. Афсуски, бундай никоҳни маъқуллашчилар ҳам кам эмаслиги калифорнияликлар маънавий инқироз ёқасида турганлигини кўрсатади. Улар, айниқса, Сан-Франциско шаҳрида кўпчилики ташкил қилар экан.

Интернет хабарлари асосида
Ҳасан Нишонov тайёрлади



Бухоро вилоят соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси кенгаши



Халқимиз саломатлигини муҳофаза қилишдек масъулиятли ва эзгу ишга ҳаётини бағишлаган меҳридарё, фидойи тиббиёт ходимларини касб байрами билан муборакбод этади.

Баргангизга снҳат-саломатлик, оилавий бахт-саодат, хонадонингизга файзу барака тилайди.

Қўлларингиз дард кўрмасин, халқимизни бахтлигига ҳамиша омон бўлинглар.



«Мен — ёшликман» танловига

Олдиндан айтаётганим, шoirликка даъвом йук. Аммо шеърятга, китобга меҳрим бўлакча. Бу гал ҳам бир воқеа сабаб кўлимга қалам олдим.

2005 йилнинг баҳорида турмуш ўртоғим билан томорқамизда ишлаётган эдик. Бир йилгит қишлоғимиз тарихи, келиб чиқиши, номининг маъносини сўради. Қарши шаҳрининг 2700 йиллиги муносабати билан қишлоқ, туман, шаҳарлар тарихига оид материаллар тўплаётганини кўшимча қилди. У жуда ёш бўлгани учун гапларига жиддий эътибор бермагандим.



Орадан уч йил ўтиб, ўша йилгит билан яна учрашиб қолдик. Анча ўзгарган, мулоҳазали. Билсак, Хусниддин Ражабов археолог бўлиб, қазилмалар, тарихий обидалар билан шуғулланар экан.

Ҳеч нарса демасимдан, сиз ижод қилишингиз керак, аждодларимиз ҳақида шеърлар ёзинг, дея маслаҳат берди. Хусниддиннинг гапидан сўнг кўлимга қалам олдим. Менга айниқса, «Ishonch» таҳририяти эълон қилган «Мен — ёшликман» танлови куч бағишлади. Сизга чизган суратларим ва шеърларимдан бирини жўнатайман.



Севги сарҳадлари

Дилбарим, муниса, лобар аёллар, Сиз билган севгининг тарихи узун. Ким бахтин топади, ким ҳамон излар, Ким шодон ва масрур, ким эса маҳзун.


Гунча баргидаги шабнам мисоли Маъшуқа кўзиде ҳалқаланар ёш. Нечун йиғлагайсан, ишқинг саволи Жавобсиз қолдим, эгикдир бу бош?

Нечун кўзларингиз қайғу, изтироб, Гул юзингга инган дардми ҳукмрон? Юрагингдан чиққан эдимми хитоб Ёки қийнадимми соғинчи ҳижрон?

Мажнуннинг Лайлиси, Фарҳод Ширини Севгининг тилларга кўчган гул мадҳи. Ошиқлар вафоси — ишқинг мазмуни, Бевафолик эса жафокаш сатри...

Дилбарим, муниса, лобар аёллар, Сиз билган севгининг тарихи узун. Ким бахтин топади, ким ҳамон излар, Ким шодон ва масрур, ким эса маҳзун.

Насиба ДУСТМУРОВОВА, Қўрғоқ тумани



Сарҳисоб



Оммавий спортни ривожлантириш

кўп жиҳатдан фаолларнинг ташаббускорлигига боғлиқ

Меҳнатқашлар ва уларнинг оила аъзоларини спортга жалб этиш борасида касба уюшма ташкилотларида катта тажриба тўпланган.

Айни вақтда Тошкент вилояти касба уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамияти тизимда 567 та жисмоний тарбия жамоаси ҳамда 4 та спорт клуби фаолият кўрсатмоқда. Спортчилар ихтиёрида 32 та стадион, 8 та сув ҳавзаси, 42 та спорт зали, 105 та волейбол, 90 та баскетбол, 121 та футбол, 80 та кўл түли майдони мавжуд.

Яқинда бўлиб ўтган Тошкент вилоят касба уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамиятининг 3-хисобот-сайлов конференциясида имкониятлардан қандай фойдаланилаётганилиги ҳамда келгусидаги вазифалар муҳокама этилди.

Хусусан, давлат дастурига кирган «Алломши ва Барчиной» тест синовлари 7 ёшдан 70

ёшгача бўлган кишиларни оммавий спортга жалб этиш орқали соғломлаштиришда катта аҳамиятга эга. Шу боис вилоятнинг барча ўқув юрталари, меҳнат жамоаларида синовлар давом этмоқда.

Уч босқичли «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва «Универсиада» мусобақалари болаларни ёшлигидан спортга жалб этиш имконини бераётти.

Вилоятда спорт иншоотларини қуриш ва таъмирлашга эътибор катта. Масалан, Тошкент давлат аграр университетиде барча талабаларга жавоб берадиган спорт мажмуаси таъмирланди. Энди бу ерда вилоят ҳамда республика миқёсидеги кўплаб мусобақалар ўтказилмоқда.

Оммавий спортни ривожлантириш борасида Чирчиқдаги «Электромисаноат», Олмаликдаги «Аммофос», Бекобдаги «Бекобод цемент» ак-

Жаҳон чемпионати олдида

15-16 ноябр кунлари Туркиянинг Истанбул шаҳридаги «Бахсилайвер Билайди» спорт мажмуасида ўтказилган кураш бўйича ёшлар ўртасида VI жаҳон чемпионатида кизгин хозирлик кўрилаётганидан хабарингиз бор. Мазкур мусобақада жаҳоннинг 60 га яқин мамлакатидан 19 ёшгача бўлган энг кучли полвонлар катнашади.

Хўш, кураш Ватани бўлмиш юртимиз терма жамоаси аъзоларининг кайфияти қандай? Биз пойтахтимизда ташкил этилган ўқув-масгулот йигинини кузатиб, мураббий ва спортчиларнинг фикрларини ёзиб олдим.

Мурод Дўсимбетов, Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси бош мураббийи:

— 2008 йилнинг 8-10 феврал кунлари «Жар» спорт мажмуасида бўлиб ўтган Ўзбекистон чемпионати натижаларидан келиб чиққан ҳолда энг кучли полвонлар терма жамоага жалб этилди. Ҳозирга қадар икки марта Республика Олимпия захиралари коллежиде ўқув-масгулот йигини ўтказдик. Учинчи, сўнгги йигин эса МХСК спорт мажмуасида давом этмоқда. Жасур Холмуродов (60 кг.), Азиз Санокуллов (66 кг.), Яхё Имомов (73 кг.), Баҳоҳат Раҳимов (81 кг.), Эркин Дониёрлов (90 кг.), Ширин Шарипов (90 кг.), Болтабой Болтаев (+100 кг.), кизлардан эса Шоҳида Назарова (52 кг.), Гулнора Матёкубова (63 кг.), Субҳия Мусаева (70 кг.), Малоҳат Рўзиева (+70 кг.)дан иборат жамоа 13 ноябрда қадар нуфузли чемпионатга тайёргарликни маромига етказишди.

Машхура Мавлонова, Ўзбекистон аёллар терма жамоаси устози:

— Узимга 2006 йил Доминикан пойтахти Санто-Доминго шаҳрида ўтган ёшлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида +63 кг. вазнда иштирок этиб, голиб бўлиш насиб этганди. Энди ўша мусобақада тўпланган тажрибаларимни амалий машгулотларда жорий этяпман. Таркибга республикамизнинг энг ёш иқтидорли курашчи қизлари йиғилишган.

— Полвон қизларимиз ҳақида батафсилроқ маълумот берсангиз...

— Шоҳида Назарова Қашқадарё вилояти Шахрисабз туманидан. Ёшлар ва катталар ўртасида Ўзбекистон чемпиони. Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институтида 2-курсда таҳсил оляпти.

Гулнора Сулаймонова Деңиздан. Иланушчан мураббий Файзулла Алиқулловнинг шогирди.

Умида Матёкубова эса Қоракалпоғистондан. Республика Олимпия захиралари коллежиде ўқийди. Малоҳат Рўзиева — Тайлоқ Олимпия

Кураш эгаларининг масъулияти

— Жаҳон чемпионатида дунёнинг энг сара полвонлари иштирок этиши аниқ. Менинг вазним тўтқун бўлгани учун техник тайёргарликка катта эътибор қаратдим. Чунки рақибаларимнинг менадан оғир тош босиши эҳтимолдан ҳоли эмас.

— Устозларингиз ҳақида ҳам қисқача тўхталсангиз...

— Узим Навоий вилояти Кармана тумани Равоти Малик кўрғониданман. Карманда Илёс Аралов, Қудрат Ориповдан кураш сирларини ўрганганман. Тайлоқ Олимпия захиралари коллежиде Баҳоҳат Бердиқуллов, Шерзод Бобоқуллов каби жонқуяр мураббийлар кўп остида маҳоратимни оширишди.

Яхё Имомов ёшлар ва катталар ўртасида мамлакат чемпиони, қатор халқаро турнирлар голиби:

— Гарчи ҳозирга қадар уч марта ўқув-масгулот йигини ўтган бўлса-да, мен учун машгулотлар февралдаёқ бошлан-


захиралари коллежи ўқувчиси. Субҳия Мусаева эса Бухородан. Келажаги порлоқ курашчилардан.

Айни пайтда қизларнинг жисмоний тайёргарлиги яхши. Айни кунларда уларнинг руҳий ҳозирлиги эътибор қаратишимиз.

Малоҳат Рўзиева қизлар ўртасида энг оғир, +70 кг. вазн тоифасида гиламга чиқадиган курашчимиз:

ган. Хуршид Худойбердиев, Сарвар Қобилов каби курашчи дўстларим менга спарринг-рақиб сифатида ёрдам беришяпти. Ниятим — Туркияда барча рақибларимни енгиб, Ўзбекистонга олтин медал билан қайтиш!

Мурод Дўсимбетов, Омон Тоймуродов, Олимжон Хайитов, Азамат Бойқуллов, Машхура Мавлоновдан иборат тер-



ма жамоа мураббийлари Туркияда Ўзбекистон номининг баралла янграши, Ватанимиз байроғининг мадҳиямиз садолари остида баланд ҳилпираши учун бор маҳоратларини ишга солишмоқда.

Чунки дунё полвонлари кураш Ватани спортчиларига астойдил қаршилиқ кўрсатишлари аниқ.

Акмал АБДИЕВ, «Ishonch» мухбири

Зомин сИХАТГОҲИДА БУЛГАНМИСИЗ?

1981 йили қурилиши бошланган Зомин сИХАТГОҲИ 1988 йил 8 июлда фойдаланишга топширилган. Денгиз сатҳидан 2000 метр баландаликда жойлашган ушбу сИХАТГОҲ 500 ўринли бўлиб, Туркистон тоғ тизмасининг шимолий этакларида жойлашган, шимол томони Тожикистоннинг Уратепа, Хўжанд, Қонибодом, шимол-шарқдан Самарқанд, Баҳмал, Сирдарё, Тошкент, Жиззах, Бекобод шаҳарлари билан туташ, об-ҳавоси Швейцария, Сочи, Нальчик ва Болтйбўйидагидан қолишмайди. Иклими континентал, тоғ ҳавоси кислород ионларига бой. Ҳавоси сўлим, салқин, чор атрофдаги кўм-кўк арчазору қарағай, дўлана, зиравор ўсимликлар билан бир қаторда беҳисоб ўрқзорларни айтмай-сизми!

— Зомин сИХАТГОҲИ табиий иклими, ҳавоси билан барчага манзур бўлади. Ёзи иссиқ, кичи енгил, баҳор фаёсли май ойдан бошланади. Октябр ойининг ўрталарида кўзги салқин тушади. Январ ойида ўртача ҳарорат -3 даража, июн ойида +25 даражани ташкил этади, — дейди сИХАТГОҲ директори А.Мирзайёев.

СИХАТГОҲДА барча қулайликлар яратил-

ган. Дам олиш хоналари асосан 2 ўринли. Бу ерда клуб, кутубхона, кўнглиночар масканлар мавжуд. Дам олувчилар яқин атрофга экскурсияга чиқиш имкониятига эга.

Санаторий ота-оналарни ва 4 ёшдан 14 ёшгача бўлган болаларни қабул қилади. Замоноавий диагностика аппаратлар билан жиҳозланган бўлиб, нафас органлари ва асаб тизими касалликлари бўйича функционал равишда даволаш ишлари амалга оширилади.

Бунда асосан даволаш манбаи тоғ иқлимидир. Шунингдек, сув билан даволаш кенг қўлланади. Сунъий марваридли ванна, йодли хушбўй ванна, душлар, физиотерапия, уқалаб даволаш, бассейни сауна, болалар учун алоҳида бассейн, даволаш учун гольонкамера, астмаси борлар учун фитобар хизмат кўрсатмоқда.

Иқлимий муолажалар уч турга бўлинади. 1. Аэротерапия — очик ҳаводаги сайр кайфиятини кутаради, иштаҳани очади, ҳаракатни кучайтиради, овқат ҳазм бўлишини яхшилайди.

2. Гелиотерапия — қуёш нурлари билан даволаш. Модда алмасишувини изга соледи. 3. Чўмилиш — ҳовузда чўмилиш сауна

билан биргаликда организмни чиниқтириб, соғломлаштиради. Махсус таъсир кўрсатувчи машқлар бажарилади.

Жисмоний тарбия хонаси қулай жиҳозларга эга.

Соғломлаштириш хонаси фақатгина жисмоний машқлардан иборат бўлмай, умумий ҳаракат тартибига эга: эрталабки бадантарбия, даволовчи гимнастика, меҳнатотерапия, уқалаш, сайр қилиш, ҳаракатли ўйинлар, даволовчи сузишдан иборат.

Озокеритли даволаш кучли иссиқлик сақловчи хусусиятга эга. Жигарнинг сунукали касаллигида, ошқозон, ичак, буйрак ва сийдик йўллари ҳамда бўғинлар шомолаганда ёки лат еганда кенг қўлланади.

Юқори нафас йўллари касалликлари сунъий иқлим хонасида даволанади. Бунда кучли пурковчи аппарат ёрдамида хона ҳавоси туз ионларига тўйдирилади. Даволаш курси 18-20 сеансдан иборат.

СИХАТГОҲДАГИ покизалик, тартиб-интизом, яратилган шариот кўнглига сокинлик бағишлайди.

Жалолитдин ТУРДИЕВ, уруш ва меҳнат фахрийси

Ютуқлар бор, муаммолар ҳам КАМ ЭМАС

Жиззахда Жисмоний тарбия ва спорт жамияти вилоят кенгашининг V қурултойи бўлиб ўтди. Анжуманни вилоят касба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси Н.Пардаев бошқарди.

Жамият кенгаши раиси М.Пардақуллов таъкидлаганидек, ҳисобот даврида жисмоний тарбия ва спортни оммалаштириш бўйича тармоқ касба уюшма ташкилотлари ва бошқа манфаатдор ташкилотлар билан ҳамкорликда муайян ишлар амалга оширилди. Вилоятдаги 13 та спорт жамияти кенгаши жамоатчилиги асосида ишлаб келмоқда. Улар 256 та бошланғич касба уюшма жисмоний тарбия ва спорт жамиятини бирлаштириб турибди. Ун миңдан ортқ киши спорт-соғломлаштириш секцияларига қатнайдди. Уларга 124 нафар малакали мураббий хизмат қилаёттир.

Жамиятга қаршли спорт мактабиде 410 та бола футбол, енгил атлетика, сузиш, теннис, кураш бўйича таълим олмақда.

Тармоқ касба уюшма ташкилотлари билан ҳамкорликде электр тармоқлари, давлат муассасалари, қурилиш, алоқа ҳамда олий ўқув юрталари ходимлари ўртасида ҳар йили ўтказиладиган мусобақалар кизгин бахсларга бой бўлмоқда.

Афсуски, автотранспорт, АСМ, савдо, енгил санаят, маданият ходимлари касба уюшмаларида бу каби спартакиадаларни ташкил этишга эътибор кам. Айрим қорхоналарда маданият-маърифий, спорт тadbирларига маблағ умуман ажратилмаяпти.

Жойларда спорт майдонлари сони қисқариб бораётгани янада ташвишли. Шундай бир пайтда вилоят касба уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамияти хисобидаги ягона ёпиқ сув ҳавзаси ва теннис корти 2006 йилнинг майида Жиззах олимпия захиралари коллежи ихтиёрига бериб юборилганига нима дейсиз? Энг ёмони, коллеж раҳбарияти бу мажмуалардан самарали фойдалана олмапти.

Қишлоқ ёшлари ўртасида спортни оммалаштириш борасида ҳам талай камчиликлар бор.

Анжуманда М.Пардақуллов вилоят касба уюшмалари Жисмоний тарбия ва спорт жамияти кенгаши раиси этиб қайта сайланди.

Абдуманноп АЗИМОВ, «Ishonch» мухбири



Muassis:

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir:

Abdusoliq Abdurazzoqov

Tahrir hay'ati:

Alla DOLJENKOVA, Anvar YUNUSOV, Dovud MADIYEV

(Bosh muharrir o'rinbosari), **Jahongir SHAROFBOYEV**

(Mas'ul kotibi), **Ma'mura ADILOVA, Mirzohid SODIQOV, Normamat AIYOROV,**

Nosirxon AKBAROV, Oysulov NAFASOVA, Pirmuqol QODIROV,

Sog'indiq NIYETULLAYEV, Shamsi ESONBOYEV

Bo'limlar:

Kasaba uyushmalari hayoti

256-87-63

Huquq va xalqaro hayot

256-87-73

Ijtimoiy-iqtisodiy siyosat

256-87-74

Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport

256-82-79

Xatlar va muxbirlar bilan ishlash

256-85-43

Reklama va e'lonlar

256-03-90

Manzilimiz:

100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko'chasi, 24-uy

E-mail: ishonch-doverie@mail.ru

Nashr ko'rsatkichi:

133; 134

Navbatchi muharrir:

T.Shernayev

Navbatchi:

A. Abdiyev

Musahhih:

N.Mahamov

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi. Sahifalovchilar: H.Abdujalilov va Y.Mixaylovskiy

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi.

Korxonalar manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.

O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

Tijorat materiallari

Bosishga topshirish vaqti - 21.00. Topshirildi - 20.10

Buyurtma Γ - 1014

9946 nusxada bosildi

2 5 6